

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2011 йил 17 декабрь, № 244 (5411)

Шанба



## Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

### Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Терроризмга қарши конвенциясини (Екатеринбург, 2009 йил 16 июнь) ратификация қилиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2011 йил 30 ноябрда қабул қилинган  
Сенат томонидан 2011 йил 6 декабрда маъқулланган

Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Терроризмга қарши конвенцияси (Екатеринбург, 2009 йил 16 июнь) қуйидаги билдириш ва шарт билан ратификация қилинсин:

1) Конвенция 6-моддасининг 2-банди бўйича: «Ўзбекистон Республикасини шунинг билдирадигани, мазкур Конвенциянинг бажарилиши учун масъул бўлган ваколатли органлар Ўзбекистон Республикасини Миллий хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва Давлат божхона кўмитасидир»;

2) Конвенция қоидаларининг юридик ва жисмоний шахслар мол-мулкни жиноий ҳазо чораси сифатида мусодара қилишни қўллаш мумкинлигига доир қисми Ўзбекистон Республикасининг миллий қонун ҳужжатларига мувофиқ эмаслиги сабабли Ўзбекистон Республикасида қўлланилмайди.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,  
2011 йил 16 декабрь  
№ УРҚ—309

## АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

Аҳоли бандлигини таъминлаш мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, халқ турмуш даражасини юксалтириш, жамиятда социал барқарорликка эришишнинг асосий омилларидан ҳисобланади. Бу, айниқса, Ўзбекистон каби аҳолисининг асосий қисмини ёшлар ташкил қиладиган давлатлар учун ниҳоятда муҳимдир. Шу сабабли Олий Мажлис Сенатининг еттинчи ялпи мажлисида кўриб чиқилиб, маъқулланган 2012 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури кўпчилигини қизиқишга сабаб бўлмоқда. «Халқ сўзи» муҳбири ушбу Дастурнинг асосий йўналишлари ҳусусида сенаторларнинг фикр-мулоҳазалари билан қизиқди.

### Сенатда маъқулланган

#### Н. ТОҒАЕВА, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитаси аъзоси:

— Аввало, Бандлик дастури жорий йилнинг қутилаётган макроеқтисодий кўрсаткичлар прогнози, солиқ ва бюджет концепцияси, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг устувор ва энг муҳим йўналишларини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилганлигини қайд этиш лозим. Мамлакатимизда глобал инқирозга қарши самарали чоралар кўрилиб, пухта молиявий-иқтисодий ва инвестиция сиёсати олиб борилганлиги натижада юқори иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари таъминланмоқда. Хусусан, янги қувватлар ишга туширилиб, қўшимча иш жойлари кўпаймоқда. Жорий йилнинг 9 ойи мобайнида 815,5 мингта иш ўрни яратилгани, уларнинг 512,4 мингтаси қишлоқ жойларда ташкил қилинганлиги фикримиз тасдиқидир. Эътиборли жиҳати, иш ўринларининг асосий қисми кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, касаначиликни ривожлантириш, йирик ишлаб чиқариш қувватлари фаолиятини йўлга қўйиш, қишлоқ ҳўжалиги самарадорлигини ошириш ҳисобига барпо этилган.

(Давоми 2-бетда).

Тинчлик ва осойишталик истиқлол йилларида халқимиз эришган энг улғун натижалардан. Мамлакатимиздаги тинчлик ва осойишталик барча соҳалардаги одам ютуқларимиз ва халқимиз фаровонлигининг тобора юксалишида муҳим омил бўлмоқда. Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида юртимизда тинчлик ва осойишталикни, ўзаро аҳилликни, жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг самарали тизими яратилди. Мамлакатимиз ички ишлар тизимида амалга оширилаётган ислохотлар элу юрт тинчлиги, халқ осойишталигини таъминлашга йўналтирилган.

## ТИНЧ ВА ОСОЙИШТА ЮРТГА БАЙРАМЛАР ЯРАШАДИ

Айни кунларда мамлакатимизда Янги йил байрамини мазмуни ва осойишта, шоду хуррамлик билан кўтириш учун кенг қўлми тайёргарлик ишлари амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — УзА муҳбири Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирлигининг ўринбосари, полковник Миркомил МИРФАЙЗИЕВ билан бу борада амалга оширилаётган ишлар ҳусусида суҳбатлашдик.

— Халқимиз азал-азалдан тинчликни юксак қадрладган. Ўз орзу-интилишлари, эзгу ниятлари рўёбга чиқишининг муҳим қафолати деб билади, — дейди М. Мирфайзиев. — Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида истиқлол йилларида эришган энг катта бойлигимиз халқимиз-

нинг тинч ва осуда ҳаётидир. Жамиятимизда қарор топган ўзаро ҳурмат, меҳроқибат ва бағрикенглик каби олжаноб фазилатлар, миллий ва умумбашарий

### Янги йил байрами таратдуди

қадриятларга уйғун яшаш тамойили янада мустаҳкамланиб бораётди. Тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш, осуда ҳаётни таъминлаш нафақат ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари, ўзини шу муқаддас заминнинг фарзанди деб билган ҳар бир фуқаронинг муҳим бурчи эканини юртдошларимиз чуқур ҳис этиб яшамоқдалар.

Бугун Янги йил байрами шуқуҳи кезаётган шаҳар ва қишлоқларимиздаги, хонадонларимиздаги хотиржамлик ва кўтаринки кайфиятни

## БАРКАМОЛЛИК, НАФОСАТ, ШИЖОАТ

Спортнинг нафис тури саналмиш бадий гимнастика навиҳол қизалоқларнинг соғлом, бақувват, гўзал, иродаси мустаҳкам ва қатъиятли бўлиб вояга етишида бекиёс аҳамият касб этади.

Бугун юртимизда Президентимиз ташаббуси билан спортнинг ушбу турини ривожлантириш, айниқса, чекка қишлоқ жойларда камол топаётган қизларни жисмоний машғулотларга кенг жалб қилиш, энг муҳими, жойларда спорт билан шуғуланиш учун муносиб шарт-шароит яратиш масаласига катта эътибор қаратилаётганлиги бежиз эмас.

### Бадий гимнастика

Зеро, бу — фарзандлар саломатлигини мустаҳкамлаш, кенг жамоатчилик орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, фаровон келажакни таъминлаш йўлидаги амалий саъй-ҳаракатлар сирасига киради.

Мутахассисларнинг фикрича, бадий гимнастика билан шуғулланувчи қизлар феъл-атворида фаоллик, интилувчанлик, ўзига бўлган ишонч ҳамда сабр-тоқат хислатлари бошқаларга нисбатан кўпроқ намоён бўлар экан.

(Давоми 4-бетда).



## ЭКОЛОГИК НАЗОРАТ ВА ҚОНУНЧИЛИК

Мамлакатимизда истиқлол йилларида табиатни кўз қорачиқидек асраб-авайлаш, унинг неъматларини келажак авлодга бекум қўст этказиш масалаларига катта эътибор қаратилди. Бунинг учун мустаҳкам ҳуқуқий пойдевор яратилди. Конституциямизда ҳам ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда табиий захиралар умумийлик бойлик, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва уллар давлат муҳофазасида эканлиги белгилаб қўйилгани бу борадаги ислохотларни амалга оширишга пухта асос бўлди.

### КОНЦЕПЦИЯ: устувор вазибалар

Табиийки, барча соҳалар қатори атроф-муҳитни муҳофиза қилиш тизимида ҳам изчил модернизация жараёнларини давом эттириш кўзланган марраларга эришишнинг муҳим омиллидир. Зеро, шу асосда ижтимоий-иқтисодий тараққиёт, жумладан, экологик барқарорлик таъминланади, аҳоли саломатлиги мустаҳкамланади, замонавий ҳамда тоза технологияларни жорий этиш имкониятлари кенгайди, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш устидан жамоатчилик назорати кучаяди.

Шубҳасиз, бунда Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида илгари сурилган

роитда аҳоли саломатлигини асраш, экологик хавфсизликни таъминлашга жамиятнинг турли қатламларини кенг жалб қилиш, бу йўлда экологик назорат тизимини босқичма-босқич ривожлантириш устувор вазибаларга айланмоқда.

Дунё тажрибаси таҳлиллари шуни кўрсатадики, бу борадаги

қонунларда экологиянинг кўплай тармоқлари қамраб олинган бўлиб, атроф-муҳитни муҳофиза қилишда барча бошқарув тизимлари ҳамда жамоатчиликнинг фаол иштирокини таъминлашга урғу берилган.

Айни чоғда республикамизда хозиргача атроф-муҳит муҳофазаси, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш, экологик хавфсизликни таъминлаш борасида 20 дан зиёд қонунлар, юзлаб қонунотин ҳужжатлари ҳаётга татбиқ этилган. Хусусан, «Табиатни муҳофиза қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни мустақилликка эришилгандан сўнг ушбу соҳада қабул

қилинган дастлабки қонун ҳужжати сифатида ўз ўрнига эга. Унда табиатни муҳофиза қилиш бўйича давлат назоратини олиб борувчи масъул идоралар, шунингдек, табиатни муҳофиза қилиш соҳасидаги идоравий, ишлаб чиқариш ва жамоат назорати органлари рўйхати белгилаб берилган бўлса-да, экологик назоратни амалга ошириш тартиби, назорат фаолиятини мувофиқлаштириш механизми ва мазмуни тўлиқ ифодаланмаган.

Концепцияда таклиф этилган «Экологик назорат тўғрисида»ги қонун лойиҳасида атроф табиий муҳитни ифлослантиришга, шунингдек, фуқаролар ҳаёти ва саломатлигига хавф солиши мумкин бўлган вазиятларни кузатиш, олдиндан огоҳлантириш ва назоратнинг самарали тизимини яратиш, экологик назорат, хусусан, жамоатчилик назоратини амалга ошириш тизимини мукамаллаштириш ҳамда кучайтириш ўз ифодасини топади. Бу эса бугунги кун талабларига тўла муштаракдир.

(Давоми 2-бетда).

## Қисқа сатрларда

● ЭЛЛИҚАЛЪА туманида ташкил этилган навбатдаги меҳнат ярмаркасида 80 га яқин корхона ва ташкилотлар 109 та бўш иш ўрни билан иштирок этди. Яқинда 104 киши муҳим иш жойига эга бўлди.

● МАРҲАМАТ туманидаги «Бунёдкор ганидаги» масъулияти чекланган жамоати бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда йўлак қопламалари ишлаб чиқаришни бошлади.

● ФАРФОНА шаҳридаги фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлимида 2012 йилнинг «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилиниши муносабати билан «Оила — жамиятнинг асосий бўғини» мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Унда ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари ҳамда маҳалла фаоллари қатнашди.

● БОЙСҮН туманидаги «Бахтиёр Одилбек» хусусий корхонасида банкнинг 55 миллион сўмлик кўмаги билан қурилишда кенг қўлланиладиган гипс ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Айни пайтда 10 киши меҳнат қилаётган корхонада маҳаллий хом ашёдан сифатли қурилиш материаллари тайёрланмоқда.

● БУХОРО шахридаги «Бешёғоч» хусусий корхонасида дараза ромлари ва эшик тайёрлаш ўзлаштирилди. Тадбиркор Бекмурод Гадов саъй-ҳаракати билан амалга оширилган ушбу лойиҳа учун 58 миллион сўм йўналтирилди.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

## БИТИРУВЧИЛАР ИНСТИТУТ ШУҲРАТИНИ ЁЙМОҚДА

«Барча ишлар йўлдан бошланади...» Бу ибора мамлакатимиз темир йўлчилари ва транспорт қурувчилари учун шунчаки кунда ишлатиладиган гап эмас, ҳаётий ширга айланган. Чунки улар мазкур иборанинг ҳақиқий маъносини бошқалардан кўра яхшироқ билади. Темир йўлчилар истиқлолимизнинг дастлабки йилларидан бу йўллар порлоқ келажак сари йўналганини теран ҳис этдилар. Бироқ бу улғувроқ мақсад уларнинг олдига қўйлаш ва шунинг йўловчи ва юк ташувчи вагонларни тайёрлаш, замонавий локомотивларни реконструкция қилиш, янги йўллар ётқизиш ҳамда инновация технологияларини жорий этиш каби кўплай вазифаларни кўйди.

Мамлакатимиз темир йўл тармоғини ислоҳ этиш жараёни юқори маалакида замонавий кадрлар тайёрлашни талаб қилмоқда. Бу вазифа «Ўзбекистон темир йўллари»

давлат-акциядорлик темир йўл компаниясининг Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институти зиммасига юклатилган.

Маъмур институт бити-

(Давоми 2-бетда).

## ҚАДДИМИЗ ТИК, ҚАДРИМИЗ БАЛАНД

Мустақиллигимизнинг йигирма йиллиги арафасида бир гуруҳ юртдошларимиз қаторида мен ҳам олий муқофот — «Ўзбекистон Қаҳрамони» фахрий унвони билан тақдирланган эдим. «Оқсарой» қароргоҳида Юртбошимиз ушбу юксак муқофотни ўз қўллари билан топширдилар. Ҳаётимдаги энг бахтли, унутилмас ўша лаҳза-

ларда ҳаётимдан кўп воқеалар ўтди.

Авалло, шуни таъкидлашни истардимки, истиқ-

### Дил сўзи

лолимизнинг ҳақиқий ташаббускори ва мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислохотларнинг бош мезмори бўлиши муҳтарам Президентимизнинг

(Давоми 2-бетда).

(Давоми 3-бетда).



# ЭКОЛОГИК НАЗОРАТ ВА ҚОНУНЧИЛИК

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Негаки, мазкур ҳужжатнинг қабул қилиниши натижасида идоравий, ишлаб чиқариш ва жамоатчилик экологик назоратининг самарадорлиги янада ошади, ваколат чегаралари, уларнинг ўз вазифаларини амалга ошириш тартиби белгиланади. Шунингдек, экологик назоратни амалга оширишда жамоатчиликни жалб этиш ва нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамияти бошқа институтларининг атроф-муҳит муҳофазаси соҳасидаги муҳим давлат дастурларини бажаришдаги иштироки таъминланади.

Ушбу қонун қабул қилиниши билан атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш тизимидagi қонунчилик талабларини бузганлик учун давлат органлари мансабдор шахсларининг жавобгарлиги кучайтирилади.

Атроф-муҳитни муҳофаза

қилиш, табиий ресурслардан самарали фойдаланиш ва ишлаб чиқаришга экологик тоза технологияларни жорий этиш тадбирларини бажарилишини назорат қилиш, экологик хавфсизликни таъминлаш бўйича кенг қўламли тадбирларни амалга ошириш ва бошқа муҳим вазифалар ҳам белгиланади. Айтиш лозимки, қонунда теңноген ва экологик характердаги факулдда вазиятлар юзга келишининг олдини олиш бўйича қўламли тадбирларни амалга ошириш механизмларини белгилаб қўйиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Таъкидлаш жоизки, янги қонун фуқаролик жамияти институтларининг соҳадаги ўрнини янада мустаҳкамлаши, экологик назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш борасидаги муносабатларни мувофиқлаштиришнинг ҳуқуқий ҳамда ташкилий жиҳатларини белгилаб бериши билан ҳам гоятда зарурдир. Қолаверса,

бу борадаги ҳуқуқий механизмларнинг тақомиллаштирилиши табиатни муҳофаза қилиш нафақат давлат ва жамият, балки ҳар бир фуқаронинг вазифаси эканлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Мухтасар айтганда, экологик қонунчиликни ривожлантириш юртимизда атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, табиий ресурслардан самарали фойдаланиш ва экологик хавфсизликни таъминлашдек катта социал аҳамиятга эга вазифалар рўйбе-рўй салмоқли ўрин тутди. Бу эса она-юртимизни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада раванқ топтириш, чунончи, экологик мувозанатни изчил таъминлашга замин бўлади.

**Ойбек МАМАРАҲИМОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Қонунчилик  
палатаси депутати.



# БИТИРУВЧИЛАР ИНСТИТУТ ШУҲРАТИНИ ЁЙМОҚДА

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институтида бўлиб ўтган йилгида шулар ҳақида сўз юритилди. Унда қўлаб давлат ва жамоат тўзимлари вакиллари, хорижлик олим ва мутахассислар, ўқитувчилар, талабалар иштирок этди.

Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институти ректори Ф. Каримова ва бошқалар мамлакатимиз истиқлолга эришган, ривожланган бозор иқтисодиётига асосланган янги, демократик давлат барпо этишдек улуг мақсад жамиятимиз олдига ҳаётимизнинг барча жабҳаларида ислохотларни амалга ошириш учун ҳал этилиши шарт бўлган мураккаб вазифаларни қўйганини таъкидлади. Президентимиз Исрол Каримов томонидан ишлаб чиқилган ва ҳаётга изчил татбиқ этилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим

тўғрисида»ги Қонуни ва бошқа давлат дастурлари айнан шу мақсадларга қаратилгандир. Ушбу ҳужжатларда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш вазифаларига мос равишда таълим тизимини энг илғор халқаро стандартлар асосида тубдан ислоҳ қилиш кўзда тутилган.

Тошкент темир йўл транспорти муҳандислари институти бу борада белгиланган вазифаларни самарали амалга оширмоқда. Бугунги кунда ушбу йирик таълим даргоҳи ва илмий марказда мамлакатимиз олий мактабининг энг яхши аъёнлари илғор халқаро тажриба билан уйғун ҳолда бойитилмоқда. Институтида «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл компанияси бюртмалари бўйича лойиҳаларни амалга оширишда таълим ва ишлаб чиқариш жараёнларини интеграциялаштиришга асосланган мутахассисларни тайёрлашнинг инновация услуби алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Мустақиллик йилларида ушбу олий ўқув юртида туб ўзгаришлар рўй берди. Ўқув корпуси, ётоқхоналар, ўқув лабораториялари ва устаноналар реконструкция қилинди, замонавий темир йўл техникаси ҳамда инфратузилмасининг намуналари ва макетлари билан жиҳозланган ўқув полигини ташкил этилди.

Ўқув жараёнини янада тақомиллаштириш мақсадида 40 та компьютер синфи, маърузалар ўқилади-ган 25 та мультимедиа аудиторияси жиҳозланди. Бугунги кунда улардан самарали фойдаланилмоқда. Замонавий ахборот-ресурс марказига айлантирилган институт кутубхонасида электрон базадан ташқари қўлаб илмий-техник адабиётлар ҳам бор.

Замонавий талабларга мос ва халқаро мусобақалар ўтказиш имконини берадиган спорт комплекси барпо этилди. Қисқача айтганда, бу ерда талабаларнинг билим олиши ва яшаши учун барча иж-

# АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МУҲИМ ОМИЛИ

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Келгуси йилда, Дастурга биноан, 967,5 мингта иш ўрни яратилиши мўлжалланаётир. Бунда, айниқса, ёшлар, аёллар ҳамда қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Шу маънода, Бандлик дастуридида бугун куч-қувватга тўлиб, ҳаётга катта оруз-умидлар билан кириб келаётган ўғил-қизларимиз учун муносиб иш жойлари ташкил қилиш бўйича аниқ чора-тадбирларнинг кўзда тутилганлиги, айниқса, эътирофга молиқдир.

хоналарига янги йилдан қўшимча имтиёзлар берилаётгани қўл меҳнат талаб этадиган тикувчилик, ипакчилик, мебеласозлик, чарм ва пойабзал ишлаб чиқариш каби соҳаларнинг янада раванқ топишига шариот яратди. Булар, табиийки, бугунги кунда аҳолини иш билан таъминлашда салохиятли тармоқлардан саналади.

**Б. ХАЛИМБЕТОВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенатининг Аграр,  
сўв ҳўжалиги масалалари ва  
экология қўмитаси аъзоси:

— 2012 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурини ишлаб чиқишда ҳудудларнинг имкониятлари ҳисобга олинган. Чунончи, келгуси йилда уй меҳнати ва касаначиликни ривожлантириш орқали 217,2 мингта иш ўрни ташкил этилиши режалаштирилаётир. Хусусан, тўқимачилик, тикувчилик, чарм-пойабзал, мебел, озик-овқат, кимё, машинасозлик, электротехника, алоқа, хизматлар ва сервис соҳаларидаги корхоналарда кооперация асосида касаначилик иш ўринлари очилади. Шу билан бир қаторда, оилавий тадбиркорлик, хунармандчилик ва пудрат асосидаги уй меҳнати ривожлантириш орқали 165 минг кишининг бандлигини таъминлаш кўзда тутилган. Бунда, айниқса, «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги Қонуннинг қабул қилиниши тадбиркорлик ва бандликнинг ҳуқуқий асослари янада мустаҳкамланшига, янги иш ўринлари очилишига замин яратди.

Маълумки, қишлоқ ҳўжалиги соҳаси аҳоли бандлигини таъминлашнинг асосий омилларидан биридир. Шу боис Дастурда чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик, боғдорчилик, сабзавот маҳсулотларини етиштиришда фермер, деҳқон ва аҳоли томонра ҳўжаликлари салохиятидан унумли фойдаланиш орқали янги иш ўринларини ташкил этиш кўзда тутилган. Аини чоғда қишлоқ ҳўжалиги самарадорлигини юксалтиришга қаратилган чора-тадбирлар аҳоли бандлиги ва даромадларини ошириш билан бир қаторда, мева-сабзавот, картошка, узум ва полиз маҳсулотлари, тухум, сўт ҳамда гўшт маҳсулотларини кўпайтиришга хизмат қилади.

Энг муҳими, мазкур сый-ҳаракатлар тўғрисида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва аҳоли даромадларини ошириш имконияти янада кенгайди.

Қобил ХИДИРОВ ёзиб олди.

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Қишлоқ ҳўжалиги, қурилиш, ҳалқ таълими, маданий-маърифий, ижтимоий-иқтисодий соҳаларда мислсиз ютуқларга эришилди. Давлатимиз раҳбари тамал тошини қўйган корхонамиз эса мамлакатимиз автомобилсозлигининг фаҳрига айланди. Негаки, аини пайтда замонавий ва мураккаб технологияларга асосланган жамиятимизда минглаб маҳаллий ёшлар,

ривожлантиришни тақозо этади. Шулар ҳисобга олинган ҳолда, кейинги йилларда Андижон ва Хонобод шаҳарлари, Асака ва Шаҳринон туманларида корхонамизга бутловчи қисмлар етказиб берувчи қўлаб ишлаб чиқариш қувватлари барпо этилиб, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси йўлга қўйилди.

камлаб бораётгани ҳар биримизда фаҳр ва ифтихор туйғуларини уйғотмоқда. МДХ мамлакатларида аини шу йўналишда юртимизнинг 250 дан ортиқ дилерлик тармоғи фаолият кўрсатаётган, ўтган йили Россияда бўлиб ўтган танловда «Шевроле Спарк» русумли автомашинамиз «Шаҳар автомобиллари» номинацияси бўйича ғолиб деб топилган экан, бундан қувноммай бўладими, ахир?!

Дарҳақиқат, жаннатдонанд юрда яшашнинг ўзи бир бахт. Оқдий меҳнатимизнинг юксак қадрлини эса кўксимизни тоғдек кутариб, янада ғайрат-шижоат билан ҳаракат қилишга руҳлантиришга, барчамизни янги марраларни забот этишга ундамоқда.

**Хасанбой ҚОСИМОВ,**  
Ўзбекистон Қоҳрамони,  
«GM Uzbekiston»  
акциядорлик жамиятининг  
ишлаб чиқариш  
технологияси бўлими  
бош теҳнолоғи.

# ҚАДДИМИЗ ТИК, ҚАДРИМИЗ БАЛАНД

Корхонамизнинг қад ростлаганига эса 15 йилдан ошди. Шу давр ичида 1,6 миллиондан ортиқ автомобиль ишлаб чиқаришга эришилди. Чунончи, 1996 йилда 25 мингта автомобиль сотилган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 218 мингтага етказилди. Яқунланаётган йилда ушбу рақам янада салмоқли бўлиши кутилмоқда.

Айниқса, бугунги кунда ўзбек автомобилсозлик санъати ташки бозорда ўз мавқеи ва ўрнини изчил мустаҳ-

кортда яшашнинг ўзи бир бахт. Оқдий меҳнатимизнинг юксак қадрлини эса кўксимизни тоғдек кутариб, янада ғайрат-шижоат билан ҳаракат қилишга руҳлантиришга, барчамизни янги марраларни забот этишга ундамоқда.

# АХБОРОТ ХИЗМАТЛАРИ ВА САМАРАДОРЛИК

**Пойтахтимизда Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Ўзбекистондаги лойиҳалар координатори ҳамда Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази томонидан «Ахборот хизматлари фаолияти самарадорлиги ва жамиятдаги ошқоралик» мавзусида давра суҳбати ўтказилди.**

Унда парламент қуёи палатаси депутатлари, Сенат аъзолари, оммавий ахборот воситалари, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда жамоат ташкилотлари ахборот хизматлари вакиллари, маҳаллий ва хорижлик экспертлар иштирок этди.

Давра суҳбатида юртимизда ахборот соҳасини ривожлантиришга катта эътибор қаратилганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Ўтган даврда, аввало, оммавий ахборот воситалари ривожини таъминлайдиган, демократик талаб ва стандартларга мос келадиган мустақам қонунчилик базаси яратилди. Жумладан, 10 га қякин қонун ҳужжатлари қабул қилиниб, ҳаётга изчиллик билан татбиқ этилмоқда. Айниқса, «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги Қонун ҳар кимнинг ахборотни эркин, монеликсиз олиш ва фойдаланиш ҳуқуқларини амалга оширишда, ахборотнинг муҳофазаси қилиниши, шахс, жамият ва давлатнинг ахборот борасидаги хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Аммо бугун бу борадаги ишлар қўламини янада кенгайтиришни ҳаётнинг ўзи тақозо этаётир. Президентимиз томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ахборот соҳасини ривожлантиришга қаратилган бир қатор қонунчилик ташаббуслари илгари сурилганлиги бу борада муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, ахборот соҳасига оид бир қатор қонун ҳужжатларига тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳамда бу орқали давлат ва жамоат бирлашмалари ахборот хизматлари, медиа-тузилмалар ишини фаолаштириш бўйича кенг қўламли чора-тадбирларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Бу дастурийлаш ҳужжат талаблари асосида бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилган ислохотлар ошқоралигини таъминлашда давлат бошқаруви органлари ва жамоат ташкилотлари матбуот хизматлари салохиятини тақомиллаштиришга қаратилган лойиҳа амалга оширилмоқда.

— Мазкур икки йиллик лойиҳа доирасида мамлакатимиздаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ва жамоат ташкилотлари матбуот хизматларининг 120 нафар раҳбар ва ходимларини қайта тайёрлаш кўзда тутилган, — дейди Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази директори Гулнора Бобонова. — Ҳозирга қадар лойиҳанинг биринчи босқичи муваффақиятли ўтказилиб, унда 60 нафар матбуот хизмати вакили қатнашди. Лойиҳа доирасида ўтказилган семинар-тренингларда маҳаллий мутахассислар билан бирга, Германия, Франция, АКШ ва бошқа давлатлардан экспертлар жалб этилди. Лойиҳанинг иккинчи босқичида эса яна 60 нафар матбуот хизмати вакиллари малака оширадидлар.

Анжуманда Концепцияда кўрсатиб ўтилган соҳага тегишли қонун лойиҳалари бўйича олиб борилаётган ишлар ҳамда уларнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти хусусида ҳам сўз юритилди. Жумладан, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги қонун лойиҳасининг асосий принциплари ҳақида атрофлича ахборот берилди.

Шунингдек, тадбирда лойиҳанинг биринчи босқичида иштирок этган матбуот хизматлари вакилларида сертифицилар топширилди.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

**Жиззах вилояти, Жиззах шаҳри ва Зомин тумани ҳокимликларида ахборот хизматлари, шунингдек, Жиззах шаҳри ҳокимлиги ҳузурда «Ягона ойна» маркази иш бошлади.**

# «ЯГОНА ОЙНА» ИШ БОШЛАДИ

БМТ Тараққиёт дастури-нинг Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан ҳамкорликдаги «Маҳаллий бошқарув тизимини қўллаб-қувватлаш: фуқаролар иштироки ва ҳамкорлик» лойиҳаси доирасида

зифалар билан узвий боғлиқдир. Ташкил этилган ахборот хизматлари мебеллар, алоқа тизими, замонавий телерадио ва босма кўришнидаги маҳсулотларни сифатли тайёрлаш имконини берадиган ус-қуналар билан жиҳозланган. Аҳолига кўрсатилаётган давлат хизматларини осонлаштириш, давлат идораларига тинимсиз мурожаатларни интерактив тарзда тез ҳал қилиш мақсадида очилган «Ягона ойна» марказидаги шарт-шароитлар ҳам бугунги давр талабларига мос.

**Ислохот**

Хокимликлар ахборот хизмати ҳокимлиги ҳузурдаги «Ягона ойна» марказини очилиш маросимида Жиззах вилояти ҳокими С. Исмоилов иштирок этди.

Ш. ОРТИҚОВ.

# БИРЖА БОЗОРИДА ЯНГИ ИНДЕКС

**Маълумки, дунё фонд биржасида қимматли қозғалар ҳолатини аниқ баҳолашда индекслардан фойдаланилади. Улар тармок, худудий, жамланма ва глобал шаклда бўлиши мумкин. Илк бор фонд бозорида жамланма индекси қўлланилган бўлиб, у ҳозирги кунда ҳам кенг миқёсда ишлатилади.**

«Тошкент» республика фонд биржасида 2000 йилда «Tasix» индекси ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий қилинган эди. Бу индекс фонд биржасида савдо тизимининг барча секцияларидаги, корпоратив қимматли қозғалар, шу жумладан, листинг ва листингдан ташқари компанияларнинг қимматли қозғалари билан бирламчи ҳамда иккиламчи бозорда амалга ошириладиган битимлар асосида аниқланарди. Аини пайтда у юзгага келган нархлар қийматининг умумий ўзгаришларини тасвирлаб берувчи интеграл индекс ҳисобланиб, фақат таҳлилий мақсадлар учун мўлжалланган эди.

лия-банк тизимини янада ислоҳ қилиш ва барқарорлигини ошириш ҳамда юқори халқаро рейтинг кўрсаткичларига эришишнинг устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарорига биноан, тайёрланган ушбу индекс жаҳон стандартларига тўла мос келиши баробарида, бир қанча афзалликларга ҳам эга. Хусусан, унда ҳисоблаш жараёни нафақат амалга оширилган битимлар асосида, балки фонд биржасининг расмий листингига киририлган компанияларнинг капитализация даражаси

ҳам инобатга олинган ҳолда бажарилади. Бундан ташқари, мазкур мукаммаллаштирилган индексда инвесторлар ва қимматли қозғалар бозори иштирокчиларига қулайликлар ҳам яратилган. Яъни у умумий фонд бозори ҳолатини аниқ, ўз вақтида акс эттириши билан бирга, бу бозорнинг истиқболлини белгиловчи самарали восита сифатида йирик сармоядорларга ўз инвестицияларини киритишлари учун стратегик аҳамиятга эга иқтисодий тармоқларини танлаш имконини беради.

Қисқача айтганда, янги индекс умумий фонд бозори ҳолатини баҳолаш тизимини янада тақомиллаштириш, акциядорлик жамиятларининг молиявий барқарорлиги ва самарадорлигини халқаро талаблар даражасига кўтаришга хизмат қилади.

«TCI Composite» индекси 2012 йилнинг 1 январидан бошлаб амалиётга жорий қилинади.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.







# БАРКАМОЛЛИК, НАФОСАТ, ШИЖОАТ



(Давоми. Бошланиш 1-бетда).

— Аксарият ота-оналар аввалига фарзандларининг буш вақти унумли ўтишини таъминлаш мақсадида уларни гимнастика тўғрисида олиб келишади, — дейди пойтахтимиздаги 22-сонли махсус болалар ва ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактаби мураббийси Влада Эштоева. — Орадан бир оз муддат ўтгач эса, боланинг ўзида кучли қизиқиш ва интилиш пайдо бўла бошлайди. Бу мураббий зиммасига

катта масъулият юклаш табиий. Негаки, энди аста-секинлик билан мураккаб ҳаракатларни бажариш, машғулотлар соатини кўпайтириб бориш талаб этилади. Ёш мураббий мактабдаги олти йиллик фаолияти асосида ушбу масъулиятли вазифанинг удрасидан чиқишга астойдил интилиб келмоқда. Бунга у раҳбарлик қилаётган гуруҳ аъзолари эришган ютуқлар мисолида ҳам амин бўлиш мумкин. Қизалоқлар шу кунга қадар турли миқёсдаги турнир ва му-

собақаларда ижобий натижаларни қўлга киритишди. — Қизим беш йилдан буён бадиий гимнастика билан шуғулланмоқда, — дейди 9 ёшли ўқувчи — Диёранинг онаси Зулфия Бурҳонхўжаева. — У кейинги йилларда Бухоро, Тошкент ва Москва шаҳарларида бўлиб ўтган халқаро мусобақаларда юқори ўринларни эгаллади. Айниқса, Россия ("Рубиновые звёзды" номли мусобақа)даги халқаро беллашувда фахрли учинчи ўринга сазовор бўлганида, кўпчилики

мутахассислар фарзандининг иқтидорини, ҳаракатчанлигини алоҳида эътироф этишди.

Спорт оламга эндигина қадам қўйган мана шундай навқирон ёшлар учун мактабда бошқа спорт турлари қатори бадиий гимнастикага ихтисослаштирилган 8 та гуруҳ фаолият кўрсатмоқда. Ушбу гуруҳларга тўрт ёшдан 11 ёшгача бўлган қизалоқлар қабул қилинади. Сабқлар умумтаълим мактабидagi асосий дарс машғулотларидан сўнг бошланади ва учтўрт соатгача давом этади. Энг муҳими, бу ерда нафис спорт тури билан шуғулланувчи қизалоқларгагина эмас, балки уларни тарбияловчи спорт мураббийларининг фаолияти самарадорлигини оширишга ҳам жиддий эътибор қаратилади. Бугун мактабда бўлажак спорт педагоглари, яъни олий ўқув юртида тахсил олаётган талабалар устоз-шогирд аниъанаси асосида малака оширишаётир. Яна ҳам аниқроғи, улар машғулотларни замонавий педагогик технологиялар асосида ташкил этиш маҳорати, иқтидорли ёшларни халқаро беллашувларга тайёрлаш сингари касбий йўналишлар бўйича назарий билимларини мустақамламоқдалар.

**Муборак ОХУНОВА,** «Халқ сўзи» мухбири.  
**СУРАТЛАРДА:** пойтахтимиздаги 22-сонли махсус болалар ва ўсмирлар олимпия захиралари спорт мактаби ўқувчилари.  
**Хасан ПАЙДОЕВ** олган суратлар.

## Муқаддас Ватан

### Туйғу

Ой тунлари суюб термилган,  
Кўёш кундуз куйиб термилган,  
Тинчлик деган нурга йўрилган,  
Кучогингда қувонч кучаман,  
Сен буюксан, муқаддас Ватан.

Борбонини бол излаб юрган,  
Дехқонини қут қутлаб турган,  
Ҳалол топиб қандини урган,  
Баракаси эй боқий чаман,  
Сен буюксан, муқаддас Ватан.

Ризқ излаган тузу нон топган,  
Ҳар мезбони бир меҳмон топган,  
Улуғлари мангу шон топган,  
Меҳринг дарё қониб ичаман,  
Сен буюксан, муқаддас Ватан.

Ўзбекистон, ўзимдаги нур,  
Темур бобом юзимдаги нур,  
Юрт эгаси сўзимдаги нур,  
Бор миллати бир жону бир тан,  
Сен буюксан, муқаддас Ватан.

Хуш тилакдан ҳикмат топган эл,  
Тўғрилиқдан ҳурмат топган эл,  
Яхшиликни нондек ёпган эл,  
Сенинг учун куйгувчи жонман,  
Сен буюксан, муқаддас Ватан.

Маҳмуд ТОИР,  
Ўзбекистон халқ шоири.



**Кадрият**  
Бухородаги Мир Араб мадрасаси мударриси Абдулғафур Раззоқ Бухорий томонидан тўпланган "Шарқ хаттотлик ва миниатюра санъатидан намуналар (VII-XXI асрлар)" альбомини АҚШнинг Нью-Йорк шаҳридаги Метрополитен музейи экспонатлари қаторидан ўрин олди.

## МИЛЛИЙ МЕРОСИМИЗ ЭЪТИРОФИ

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси лойиҳаси асосида ўзбек, рус ва инглиз тилларида нашр этилган мазкур китоб 480 саҳифадан иборат. Унда муаллиф ўзининг узок йиллик давомида тўпланган Шарқ хаттотлик санъатига оид жамланмаси ҳамда миниатюра санъатининг ноёб намуналарини изоҳлар билан бирга китобхонлар эътиборига ҳавола этган. Қолаверса, ушбу манба мустақиллик йилларида миллий кадриятларимизни асраб-авайлаш, Шарқ миниатюра мактаби меросини келгуси авлодларга етказиш нуқтаи назаридан ҳам аҳамиятлидир.

Истам ИБРОҲИМОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМ ТАҚДИМОТИ

**Тошкент давлат юридик институтида "Ўзбекино" Миллий агентлиги томонидан журналист Б. Бобоев сценарийи асосида суратга олинган "Ўзбек модели феномени" ҳужжатли фильми тақдимоти бўлиб ўтди. Мамлакатимиз мустақиллигининг 20 йиллигига бағишланган ушбу фильм тақдимот маросимида олий ўқув юрти профессор-ўқитувчи ва талабалари, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.**

Анжуманда таъкидланганидек, Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган тараққиётнинг "Ўзбек модели" амалиётда ўз самараларини бериб келмоқда.

Бундан ташқари иқтисодиётнинг барқарор ривожланиб, халқимиз турмуш тарзи тобора фаровонлашиб бораётгани мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан аксарият давлатлар азият чекаётган пайтда юртимизда ўсиш суръатлари бир

### Тадбир

маромда сақлаб келинаётгани, беш тамойилга асосланган "Ўзбек модели"нинг бу борадаги аҳамияти мазкур ҳужжатли фильмда тўла очиб берилган.  
— Фильмда истиқлол йилларида мам-

лакатимизда қўлга киритилган ютуқларнинг туб моҳияти кўрсатилган, — дейди Тошкент давлат юридик институти маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори Омонулла Мухаммаджонов. — Жумладан, ўзбек автомобилсозлигига асос солиниши унинг бугунги нуфузи яққол акс эттирилган.

З. ХОЛТЎРАЕВ.

• Реклама ва эълонлар •

# STANDARD & POOR'S

Халқаро рейтинг агентлиги

2011 йил 16 декабрда

## Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг

кредит рейтинги даражасини

**В дан В+ га**

**КЎТАРДИ**

истиқболи:

**«Барқарор»**

Ватанимиз равнақи йўлида Сиз билан бирга!

www.nbu.com

2011 йил 15 декабрь куни

## STANDARD & POOR'S

**«Стандарт энд Пурс»**  
Халқаро рейтинг агентлиги

**«Ўзсаноатқурилишбанк»**  
очиқ акциядорлик тижорат банкининг

узок муддатли  
кредитга лаёқатлилиқ рейтингини  
бир поғонага ошириб

**«В+»**  
даражасида  
**«БАРҚАРОР»**  
истиқболи билан тасдиқлади.

ЦЕМЕНТ (пц400 д20) 200,4 ▼ -4,2 ЦЕМЕНТ (пц400 кд20) 225,7 ▲ +23,8 АРМАТУРА 3269,5 ▼ -398,9 ШИФЕР (1 лист) 14643 ▲ +13 АЗОТ. ФОСФОР ЎҒИТИ 370,1 ▲ +0,5 **Биржа баҳолари ҳақида кўпроқ билишни истасангиз, UZEX сўзини 8383 га юборинг.**

**Халқ сўзи**  
Народное слово

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонуқчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1254. 48409 нусхадда босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:  
Девонхона 233-52-55;  
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.  
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғоев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**  
100000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Навбатчи котиб — А. Оринов.  
Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.  
Навбатчи — Д. Улугмуродов.  
Мусоҳҳа — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.15 Топширилди — 23.15 1 2 3 4 5